Саноқ комиссияси томонидан "Boshtransloyiha" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг 2022 йил 28 июндаги қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва кун тартиби масалалари юзасидан овоз бериш натижалари бўйича тузган

БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳар, Миробод тумани,
Нукус кўчаси, 23а уй

Сана: 2022 йил 28 июнь

Саноқ комиссияси аъзолари таркиби:
Раис: И.И. Израильбекова
Комиссия аъзолари: У.М. Юлдашев
Е.А. Рогожкина

Саноқ комиссияси баённомаси қуйидагиларга асосан тузилди:

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан Жамиятнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун 2022 йил 22 июнь холатига шакиллантирилган Жамият акциядорлари реестрига асосан, овоз беришда 37 та акциядорга тегишли 4 453 008 дона овоз бериш ҳуқуқини берувчи акциялар қатнашиши мумкин. Саноқ комиссияси томонидан соат 14:50 гача умумий миқдорда 4 265 511 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 9 та акциядор вакиллари рўйхатдан ўтказилди. Бу эса Жамиятнинг умумий овоз берувчи акцияларининг 95,79 фоизини ташкил этади.

Бюллетенлар 9 та акциядор томонидан олинди. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 68-моддаси ва Жамият уставига асосан агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпроқ овозга эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Шунга кўра йиғилиш кворумга эга ва кун тартибидаги барча масалалар бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Шунга асосан умумий йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжуд деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунининг 60 – моддасига асосан, кун тартибидаги ***«Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш, «Boshtransloyiha» АЖ фаолиятининг 2021 йил якуплари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тинглаш» ва «Жамият устави ва ички корпоратив низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва уларни янги таҳririни тасдиқлаш»*** *(ушбу масалада Усатвга узгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ қисми бўйича)* масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади ва кун тартибидаги қолган масалалар бўйича қарорлар акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва ушбу қонуннинг 69 – моддасига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, ***«Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш»*** бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

Овоз бериш жараёни тугатилганидан сўнг барча бюллетенлар саноқ комиссиясига топширилди. Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар аниқланмади.

Овоз бериш натижалари:

1. **Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:** Саноқ комиссияси аъзоларининг сон ва шахсий таркибини ва ваколат муддатини тасдиқлаш.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1. Саноқ комиссиясининг таркиби 3 (уч) кишидан иборат таркибда тасдиқлансин.

2. Саноқ комиссиясининг шахсий таркиби қуйидаги таркибда бир йил муддатга тасдиқлансин:

- Израильбекова Ильмира Исмаиловна - «Boshtransloyiha» АЖ бош бухгалтер;

- Юлдашев Улуғбек Михлибаевич - «Boshtransloyiha» АЖ корпоратив маслаҳатчиси;

- Рогожкина Елена Алексеевна - "Boshtransloyiha" АЖ ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш хизмати раҳбари.

Овоз бериш натижалари:

"ёқлайман" – 4 265 511 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.

Қарор қабул қилинди.

2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича: «Boshtransloyiha» АЖ фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ва Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1. «Boshtransloyiha» АЖ Бош директорининг 2021 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

2. «Boshtransloyiha» АЖ фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ва Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:
"ёқлайман" – 4 265 511 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.
Қарор қабул қилинди.

3. Кун тартибидаги учинчи масала бўйича: «Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:
«Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва Жамияти Кузатув кенгашининг 2021 йилдаги мажлис (баённомалари) қарорлари тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:
"ёқлайман" – 4 265 511 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.
Қарор қабул қилинди.

***4.* Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:** «Boshtransloyiha» АЖ фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тинглаш.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:
«Boshtransloyiha» АЖ Тафтиш комиссиясининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:
"ёқлайман" – 4 265 511 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.
Қарор қабул қилинди.

5. Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича: Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:
1. «Boshtransloyiha» АЖ Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳолаш натижалари маълумот учун қабул қилинсин ва маъқуллансин.
2. «Boshtransloyiha» АЖдаги мавжуд Корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва жамият олдида турган стратегик вазифалар билан уйғунлаштирилган ҳолда жамиятнинг ривожланишини таъминлаш борасида барча амалий чоралар кўрилсин.

Овоз бериш натижалари:
"ёқлайман" – 4 265 511 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.
Қарор қабул қилинди.

6. Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича: Жамият томонидан 2021 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шаклини, тартибини ва тўлаш муддатни аниқлаш, жамият бошқарув органларига тўловлар ва компенсация тўлаш.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:
1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2021 йил якуни бўйича олган 2 048 091 615,5 сўм миқдоридаги соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин:
дивиденд тўлови учун – 1 937 058 480,0 сўм ёки соф фойданинг 94,58% қисми;
Жамият захира фондини шакллантириш учун – 111 033 135,50 сўм ёки соф фойданинг 5,42% қисми;
2. Бир дона жойлаштирилган акция учун дивиденд миқдори 435,00 сўм миқдорида белгилансин.
3. Ҳисобланган дивидендлар 2022 йил 20 июлдан 2022 йил 27 августга қадар пул кўринишида тўлансин.
4. Жамият бошқарув орган аъзолари (кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзолари)га соф фойданинг 6,87%, 140 700 000,0 сўм миқдорида йиллик мукофот тўлансин (илгари тўланган чораклик мукофотлар бундан мустасно). Мукофот тўловлар жорий давр харажатларига киритилсин.
5. Бошқарув орган мукофот тўловлари иловага мувофиқ тақсимлансин..

Овоз бериш натижалари:
"ёқлайман" – 4 265 511 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.
Қарор қабул қилинди.

7. Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича: Жамият устави ва ички корпоратив низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва уларни янги таҳририни тасдиқлаш.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:
1. «Boshtransloyiha» АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва Жамият устави янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:
"ёқлайман" – 4 265 511 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.

2. «Boshtransloyiha» АЖ «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги», «Кузатув кенгаши тўғрисидаги» ва «Ижроия органи тўғрисидаги» ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва ушбу низомлар янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:
"ёқлайман" – 4 265 511 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.

Кун тартибидаги масала юзасидан қарорлар қабул қилинди.

8. Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича: «Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш натижалари:

Т/р	Номзоднинг Ф.И.Ш.	Кумулятив овозлар сони	Изох
1	*Раджапов Мансур Кучкарович - "O`zbekiston temir yo`llari" АЖ бошқарув раисининг ўринбосари в.б.*	*4 445 271 та овоз*	*сайланди*
2	*Аскаров Музаффар Турсунбоевич - "O`zbekiston temir yollari" АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиги*	*4 445 271 та овоз*	*сайланди*
3	*Атажанов Камал Атаваевич - "O`zbekiston temir yollari" АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиги*	*4 445 271 та овоз*	*сайланди*
4	*Назарова Дилдор Тимуровна - "O`zbekiston temir yollari" АЖ инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция лойихаларини амалга ошириш бошқармаси бошлиги ўринбосари*	*4 445 271 та овоз*	*сайланди*
5	*Аълаев Акрам Турсунович - «Hamroh Invest» АЖ директори*	*691 479 та овоз*	*сайланди*
6	*Эргашев Алишер Рахматиллаевич - Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахасиси*	*5 693 007 та овоз*	*сайланди*
7	*Қараев Феруз Фахриддинович - Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахасиси*	5 693 007 *та овоз*	*сайланди*

9. Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича: «Boshtransloyiha» АЖ Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

«Boshtransloyiha» АЖ тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда жамият акциядорларининг келгусидаги йиллик умумий йиғилишигача сайлансин:

1. Шакиров Азамат Аскаралиевич – "O`zbekiston temir yollari" АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиги;

2. Дўсматов Хожиакбар Фарход ўғли – "O`zbekiston temir yollari" АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим мутахассиси;

3. Уринов Шерзод Сидикжонович – Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахасиси.

Овоз бериш натижалари:

"ёқлайман" – 4 265 511 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.

Қарор қабул қилинди.

10. Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича: «Boshtransloyiha» АЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1.«Boshtransloyiha» АЖ Бош директори Рузиев Рустам Васикович билан тузилган меҳнат шартномаси муддати 3 йилга узайтирилсин.

2.Жамият Бош директори билан «Boshtransloyiha» АЖ номидан меҳнат шартномасини имзолаш Жамият Кузатув кенгаши раиси зиммасига юклатилсин.

Овоз бериш натижалари:

"ёқлайман" – 4 265 511 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.

Қарор қабул қилинди.

11. Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича: «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2022 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2022 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилган танловда ғолиб деб топилган аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилсин.

2. Миллий стандартлар талабларига мувофиқ, ҳамда 2022 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини ташқи аудит текширувидан ўтказиш учун аудит ташкилотининг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 29 000 000 сўм миқдорида ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, ҳамда 2022 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини ташқи аудит текширувидан ўтказиш учун аудит ташкилотининг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 29 000 000 сўм миқдорида белгилансин.

Овоз бериш натижалари:

"ёқлайман" – 4 265 511 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.

Қарор қабул қилинди.

12. Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича: Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

"Boshtransloyiha" АЖнинг аффилланган шахслари билан 2022-2023 йиллар давомида тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

"ёқлайман" – 4 265 511 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.

Қарор қабул қилинди.

13. Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича: «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил учун Бизнес-режасини ва Жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2022 йил учун Бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Boshtransloyiha» АЖнинг ўрта ва узоқ муддатга (5 йиллик) ривожлантириш стратегияси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

"ёқлайман" – 4 265 511 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.

Қарор қабул қилинди.

14. Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича: Жамият акциядорлари томонидан талаб қилиб олинмаган дивидендларни ҳисобдан чиқариш.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

Муддати уч йилдан ўтган «Boshtransloyiha» АЖ акциядорлари ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан талаб қилиб олинмаган 2 319 296 сўм миқдоридаги дивиденд жамият ихтиёрида қолдирилсин ва жамият фойдаси сифатида тан олинсин.

Овоз бериш натижалари:

"ёқлайман" – 4 265 511 овоз, 100 фоиз, "қарши" - йўқ, "бетараф" – йўқ.

Қарор қабул қилинди.

Ушбу баённома икки нусхада тузилди.

Раис: **И.И. Израильбекова**

Комиссия аъзолари: **У.М. Юлдашев**

Е.А. Рогожкина